

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Наманган Давлат Университети

«Ижтимоий – иқтисодий» Факультети

Ижтимоий маданий фаолият йўналиши талабаси

Омонов Дилшод

**Баркамол авлод тарбиясида таълим ва маънавий
омиллар
мавзусидаги**

КУРС ИШИ

Мавзу: Баркамол авлод тарбиясида таълим ва маънавий омиллар муносабати

РЕЖА:

Кириш.

I боб. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.

1.1. Комил инсон ва ижтимоий тарбия масалалари;

1.2. Баркамол авлодни тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни.

II боб. Баркамол авлод тарбиясини юксалтириш омиллари.

2.1. Таълим ва маънавий омиллар муносабати;

2.2. Ёшларни маънавий ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Халқимиз, айниқса ёшларимиз мамлакатимизда барпо этилаётган жамият-ҳуқуқий инсонпарвар, демократик давлат талабларига мутаносиб равишда ўзларини ривожлантиришга устувор аҳамият бермоқдалар. Бундай жараёнда айниқса маънавият масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Маънавият жамият фуқаролари, айниқса ёшларни эски тузум асоратларидан халос этувчи, шахсни тарбияловчи, уни уюштирувчи, мақсад йўлида бирлаштирувчи буюк кучга айланиб бормоқда.

Маънавият-ўзбек халқининг буюк келажак сари ташлаётган залворли қадамини янада салобатлироқ қилмоқда. Жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳаси йўқки, у маънавият, маънавий юксалиш билан уйғунлашмаган бўлсин. “Менинг назаримда,-дейди И.Каримов,-“маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги “маънавият” тушунчаси орқали ифода этиш мумкин”¹.

Ҳақиқатдан ҳам, маънавият жамиятнинг барча жабҳаларига, миллат ва мамлакат келажаги ҳамда тақдирига тегишли қадриятга айланди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маърифатли жамият барпо этиш масаласи энг долзарб вазифалардан бири сифатида кун тартибига кўйилган.

Янги жамият барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялашда юксак маънавий фазилатларнинг устуворлигини таъминлашга ҳам алоҳида диққат қаратилмоқда. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров маълумотларига кўра Ўзбекистон фуқароларининг 73, 1 фоизи шахснинг камол топишида, умуминсоний қадриятлар шаклланишида юксак маънавий фазилатлар муҳим аҳамиятга эга, деб билади. Бунга, авваламбор, меҳр-мурувват, катталарга ҳурмат,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент. 2008. –Б. 20.

меҳмондўстлик, сахийлик, дўстона муносабат, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби тушунчалар киради.

Сўровда иштирок этганларнинг катта қисми, яъни 86, 7 фоизи кадриятлар тизими асосини авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий анъана ва урф-одатлар ташкил этишини қайд этганлар. Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўров натижасида Ўзбекистон аҳолиси умуминсоний ва миллий кадриятлар шахснинг маънавий фазилатлари билан чамбарчас боғлиқ, деган фикр аниқланди ².

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳозирги даврида ёшлар тарбиясига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бунинг қатор сабаблари борки, уларни маънавий-маърифий, ахлоқий-мафкуравий ишда эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Биринчидан, мамлакатимиз том маънода ёшлар мамлакати ҳисобланади. Улар ижтимоий-маданий эҳтиёжини қондириш, ёшларда юксак маънавий-мафкуравий билимни шакллантириш ҳозирда жуда зарур бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, дунё тобора глобаллашиб бормоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан “оммавий маданият” деб номланган ҳодиса бизнинг юртимизга ҳам кириб келмоқда. И.Каримов таъкидлагани каби, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”³.

Ёшларимизнинг айрим қисмида бундай “маданият” га берилувчанлик хислатлари йўқ эмас. Қолаверса, дунё глобаллашуви-табиий жараён. Унинг яхши, ибратли томонлари ҳам йўқ эмас. Кучли ахборотлашув, маълумотлар

2 .”Тошкент оқшоми”, 2008, 24 июль.

3 .Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент, 2008.-117-бет.

оқими зўрайган ҳозирги даврда фақат ҳиссиётга эмас, шунингдек, ақлга суянган ҳолда иш тутишгина ёшларимизнинг адашмасдан, ўз йўлининг топишига имкон бериши мумкин.

Учинчидан, мамлакатимиз мустақиллик йилларида жуда катта, залворли ютуқларга эришганига қарамасдан айрим фуқароларда, асосан аҳолининг катта ёшдаги маълум қисмида ўтмишни қўмсаш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бу нарса ёшларимиз маънавий қиёфасини шакллантиришга халақит қилмоқда. Демак, ёшлар тарбияси айти пайтда ўзини “ривожлантириш” га эҳтиёж сезмаган айрим катта ёшдагилар тарбияси билан ҳам ҳамоҳангдир.

Тўртинчидан, ёшлар маънавиятини шакллантириш улар тафаккур тарзини бойитиш билан бевосита боғлиқдир. Ҳар бир ёш йигит, қиз ўз шахсий режасини жамият ижтимоий мўлжали юилан уйғунлаштирмас, ижтимоий фаоллик даражасини оширмас экан-бундай ҳолда тафаккур эврилиши ҳақида гапиришнинг фойдаси йўқ. Қолаверса, ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини оширмасдан туриб, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш ҳам мумкин эмас.

Айти ҳолда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп. Буларнинг бари 2008 йилнинг **“Ёшлар йили”** деб эълон қилиниши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Биз ушбу жажжи рисолада ҳозирги ёшлар, улар маънавияти ҳақида қисқача фикрлашамиз. Айти субъектив фикрлар ўқувчининг эътирозига сабаб бўлар. Муҳими, муаммонинг қўйилиши ва уни ҳал этишнинг йўлини излашдир. Рисолада шу нарсага эътибор қаратилган.

I БОБ. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.

1.1. Комил инсон ва ижтимоий тарбия масалалари

Ёшлар - ҳар бир юрт ва миллатнинг бетимсол бойлиги, буюк салоҳияти ҳамда куч-қудрат манбаи экан, тараққиётга интилаётган жамият у ҳақда ғамхўрлик қилишни биринчи галдаги вазифаси деб билиши табиий. Бинобарин, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш юрт ва миллат келажаги тўғрисида қайғурмоқ демакдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган гапларида Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

Маънавий баркамол авлод тушунчаси кенг қамровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади.

Шунинг учун маънавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб масала. Бу масалада юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ибратлидир: “Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки Шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни маънавий баркамол, комил инсон ҳисобланади. Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, хулқ атвор нормалари, ахлоқ одоби билан бевосита алоқадаорлиги билан ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар тақдири ва фаровонлиги, Ватан тақдири ва унинг равнақи ўйлайдилар. Улар мутеликда, қарамликда яшашни истамайдилар”⁴.

⁴ И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон. 2000. –Б. 23.

Комил инсонни вояга етказишдан иборат кенг кўламли вазимфалар бугун олдимизда турган улкан мақсадлар билан бевосита уйғунлашувчи жараёндир.

Мустақиллик йилларида комил инсонга ҳос муҳим хусусиятлардан бири сифатида шахснинг озодлиги, ҳам фикран, ҳам руҳан эркинлигига кенг эътибор бераётганлиги, “Комил инсон” концепциясига назарий ёндошувнинг Ислом Каримов бошлаб берган янги босқичидир. Мазкур босқичнинг муҳим жиҳати эркин фикрловчи баркамол инсонни шакллантириш, уни турлича билимлар, ахборотлар билан таъминлашдир.

Комиллик, меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний ҳислат ва фазилятлар мажмуидир. Комил инсон ҳояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу-орзуси, маънавиятимизнинг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Ибн Сино, Беруний, Фаробий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётидаги янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Комил инсон қуллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Комил инсон ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоғ ва фаол бўлади.

Буюк ватандошимиз Шайх Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотининг Кубровия йўналишига асос солган машҳур мутафаккирдир. Шайх Нажмиддин Кубро – “Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик табассумининг мукаммал ва олий даражаси, одамларнинг одамларни олами бутунликда, асил уйғунликда кўриш орзу ҳаёллари, камолот машъали бўлиш баробарида аниқ ва шахслар, яъни валюллоҳ инсонлар рутбасини тан олиш ва қонунлаштириш ҳамдир. Чунки комил

инсон барча илмлардан, зохирий ва ботиний донишдан бохабар, қалбида ғайб асрори жўш уриб турган зот” – деб таърифлаганлар⁵.

Шайх Нажмиддин Кубро инсон заковати ва ақлий – ваздий қобилиятига юксак баҳо бериб, айтадики: “Вилоят (валийлик) одам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуқи, Парвардигор одамга ақл берган, уни кучли мавжудотдан афзал қилиб яратган”⁶.

Ҳар қандай жамиятнинг ривож, истикболи, қудрати охир-оқибатда ҳар жиҳатдан инсон омилига бориб тақалар экан, демак бизнинг ҳозирги вақтда ўз олдимизга қўйган келажаги буюк, ҳуқуқий демократик, давлат, эркин фуқаролик жамиятни барпо этишдек буюк мақсадимизнинг тўла маънода руёбга чиқиши, аввало мамлакат ёш авлодини қай кўринишда тарбия олиб, камолотли шахслар сифатида камол топиб боришларига боғлиқдир.

Юртбошимиз И.А.Каримов ташаббуси билан Республикамизда 1997 йилда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган эди. Мамлакатимиз тараққиёти истикболига мўлжалланган ушбу қонун ва дастурнинг ишлаб чиқилишидан олий мақсад, аввало жамиятимиздаги бўлаётган янгиланишлар, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сари юз тутган она Ватанимизучун ХХІ асрдаги залворли муаммоларни ечадиган, ватан хизматиғаярайдиган, ҳар томонлама етук камол топган маърифатли илм сарчашмаларидан баҳраманд бўлган, ўз даврига муносиб йигит ва қизларни тарбиялаб камол топтиришдир.

Ҳозирги вақтда ижтимоий ҳаёт сари шахсдаги кириб келаётган ҳозирги ёшларнинг тафаккури, онги ва дунёқарашида оташин миллатпарварлик, миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанпарварлик, ўзи туғилиб вояга етган заминга, унинг фуқароларига мислсиз меҳр-мухаббат, фидойилик, садоқат туйғуларини камол топтириш, уларни шу тарзда тарбиялаб вояга етказиш, маърифатли илм фан ва маданият соҳаси ходимлари олдида турган

⁵ Зиёмухаммедов Б ва бошқалар. Маънавият асослари. Т. УМЭ. 2000. –Б. 12.

⁶ Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов. Ватан тарихи. Тошкент Ўқитувчи. 1997. –Б. 14.

умумдавлат ва долзарб аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади. Шу жиҳатдан караганда Олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор ўқитувчилар зиммасига ҳам катта масъулиятли ва шарафли вазифа юклайди.

Олий таълим муассасалари ходимлари ўз тарбияланувчилари онгига, калбига умуминсоний ва маданий меросга ҳурмат, ўз урф-одатларидан ғурурланиш ҳис-туйғуларини сингдиришга, ўз мамлакатининг ривожланишига, ижтимоий ва иқтисодий қудрати ва истиқболи учун курашга, ўз билими, иқтидори ва ақл заковатини ҳамда меҳнатини бағишлашга даъват этувчи зиёкорлардир.

Ёш Ўзбекистонимизнинг келажак бунёдкорлари бўлган навқирон ёшларимиз тақдири ва унинг истиқболини ёшлар қўлига ишониб топшириб қўйганлиги ҳали ёшлар учун катта имкониятдир. Шунинг учун бундай ёшларни характерловчи энг муҳим хусусиятлар, хоссаларни тадқиқ этишимиз лозим. Инсонпарвар демократик жамият қуриш жараёнида содир бўлаётган туб сифатий ўзгаришлар, янги типдаги баркамол инсон шахсини шакллантиришни кун тартибига қўймоқда.

Ҳар қандай жамият маънавият маданиятнинг таркибий қисми, бой билим олами бўлиб, у инсонни қаерда яшаши ва ҳаракат қилишини, умуман, дунёдаги ва жамиятдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради. Маданий қадриятлар инсон учун ўта шахсий моҳият ва мазмун касб этиб, инсон у орқали бошқа кишилар билан, бутун жамият билан муносабат ўрнатади. Қадриятлар жамиятга манзур бўлувчи ахлоқ шакллари яратишда ва англашда инсонга ёрдам беради. Таҳсинга лойиқ жойи шундаки, инсонда бошқаларга нисбатан мунозарали эмас, балки мулойим муносабат шаклланади. Низолар туғилган ҳолларда жамиятни мустаҳкамлашга муносиб бўлган бартараф қилишнинг қулай усуллари топилади.

Жамият, аввало тарихнинг муайян бир тараққиёти босқичида табиатдан ажралиб чиққан моддий дунёнинг таркибий қисми бўлиб, ривожланувчи кишилар ҳаётининг фаолиятларининг мажмуидир. Шунингдек, жамият кишилиқ тарихининг муайян босқичи ёки ижтимоий тизимнинг аниқ типини

ҳисобланади. Ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуи ижтимоий муносабатлар дейилувчи жамиятни, яъни тарихий тараққиётнинг муайян босқичидаги жамиятни вужудга келтиради.

Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатлари турли тарихий даврларда турлича бўлиб, шахс маданияти жамият маданиятини белгилайди ва шахс маданияти ҳам ўз навбатида муайян бир жамият шахс маданиятини камол топтиришда ўзининг меъёрий қоидаларини белгилайди ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб аташни таклиф этдилар. Жорий йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани бу йўлдаги эзгу сазо-ҳаракатларни янги, юксак босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Баркамол авлод - жамият тараққиётининг асосидир. Шу боис, юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлод деганда, аввало, соғлом насл, жисмонан бақувват, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлод тушунилади.

Жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ислохотларимиз жамиятнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ёш авлодни соғлом ва етук инсон қилиб тарбиялашдир.

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани муносабати билан “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарорида мазкур йилда

режалаштирилган ва бажарилиши лозим бўлган ўта муҳим ишлар кўрсатиб берилган.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури, ўз навбатида, навқирон авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ишларимизни давом эттириш ва янги поонага кўтаришга қаратилган.

Ушбу Дастурнинг мақсади мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, юртимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратишдир. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида акс этган мақсад ва вазифалар замирида ягона ғоя мужассам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва маънавий етук авлоднинг шаклланиши, имкониятларни рўёбга чиқариши учун зарур бўлган тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

1.2. Баркамол авлодни тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни.

Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўللار, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

“Бизнинг улуғ аجدодларимиз, - деб ёзади Президент, - ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан”.⁷

Шу гапга кичик бир мисол:

Маълумки, имон-этикод маънавиятнинг умуртқа поғонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни “имонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Қуръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилик исломий ибодатлар деганда, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдига келтиради. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулуллоҳ (сав)нинг куйидаги ҳадисини келтиради: “Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.” Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “Мусулмон бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирларингизга самимий меҳр қўймагунларингизча мусулмон бўлмайсизлар”. Шу сабабли биз фарзандларимизга имоннинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр дебуқдиришимиз, нафақат уқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт.

⁷ И.А.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1998 йил. 6-бет.

Президент китобида “инсон маънавий оламининг юксалиши” деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: “Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш”. Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қондани тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айти шу эътиқодга амал қилиб яшаш – “одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”дир.

“Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”. Президентнинг ҳушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; “ҳалол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол луқма билан боқаётганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сақланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

Комил инсон биз учун идеалдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларидир. Кишиларга уларга қараб ҳушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар. Комил инсонларнинг афёлу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб,

“Инсонни комил” номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: “Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан атайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадқирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам комил инсон мартабасига кўтарила олади. Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доноси. Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар⁸.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Махбубул-қулуб”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улух

⁸ www.ziyo.uz.

мутафаккир куйидагиларни киритади: тавба, ҳалол лукма билан каноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига, кўполлик қилмаслик, чучук тилли бўлиш – яхши, мулойим тилли бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан қўрқмаслик ва бошқалар.

Шу тариқа ўтмишда, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу армони деб қаралган. Комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. У инсонни шарафли, эзгулик ва буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру мухаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилиб келади. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих ишлар, ножўя ҳатти ҳаракат ва қилиқлардан сақланишга кўмаклашди, уларда иймон ва виждон биносининг пайдо бўлишини таъминлайди.

Комиллик – меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат қаби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир.

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Ибн Сино, Беруний, Форобий, Навоий қаби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Форобий фозил шаҳар аҳолиси ҳақидаги ғояларини илгари сураб экан, шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришнинг асосий шарти деб ҳисоблаган⁹.

⁹ Бобоев Ф., Ғофуров З. Миллий истиклол мафқураси ва тараққиёт. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил. Буюк сиймолар, алломалар. Т.: “Маънавият”, 1995. –Б. 19.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, теран билимлилик билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам юксак маъно-мазмун касб этган. Одоблилик бошқаларнигина эмас, ўзини ҳам ҳурмат қилиш деганидир. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра, инсоннинг комиллиги, аввало, унинг ахлоқий етуклигида, аجدодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта-кичикка эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида кзга кўринади. Комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай олмайди. Комиллик ҳар бир шахснинг ўзидан кўра бошқаларга яхшироқ маълум бўлади. Комил инсон – куллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслаги, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни таркатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргшиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

Халқимизнинг кадим-кадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари бор, юртга муҳаббат, Она ва Ватанни саждагоҳ каби муқаддас билиш, ёлғон гапирмаслик, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмаслик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш шулар жумласидандир. Булар халқимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маънавияти ва менталитетига сингиб кетган. Бундай ўйлаб қаралса, аجدодларимизнинг ана шу талабларида жамият, инсон учун энг зарур фазилатлар айтиб ўтилгани аён бўлади. Оққан дарё оқаверади, деганларидек, эътиқоди мустаҳкам улуғ аждодларнинг авлодлари бу хусусиятларни ўзида жамулжам қилган муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар. Шунинг учун бизнинг Ватанимиз ёш авлодга, уни тарбиялашга бор куч-имкониятини сарфламоқда.

Тарихимизда комиллик тимсоллари кўп: Алпомиш – халқимизнинг идеал қаҳрамони, у-ақл, фахм-фаросат, жисмоний камолот, мардлик ва ватанпарварликнинг бадиий тимсоли. Ҳазрат Навоий учун идеал – Фарход образи. У ақл ий ва жисмоний камолот эгаси. Фарход Нақшбандийнинг “Дил ба ёру, даст ба қор” тамойилини ўзида мужассам этган шахс. Ойбекнинг

“Навоий” романида эса Навоий – идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, комил инсондир¹⁰.

Ўтмишдан маълумки, ҳар бир жамиятнинг ахлоқий талаблари мавжуд бўлиб ўзига хос ҳолда намоён бўлган. Ахлоқ қоидалари одатда ҳуқуқнинг умумий принципларини белгилайди. Ахлоқий нормалар жамият таъсири чоралари билан кафолатланади. Одоб-ахлоқ ҳуқуқни шакллантириш ва уни амалга оширишда роли бекиёсдир. Президент И.Каримов эътироф этганидек, биз барча ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ўтмишимизни теран ҳис этиб, халқимизнинг руҳиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жиҳатларни, анъана ва урф – одатларни, Ўзбекистоннинг буюк халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида тўплаган ажойиб фазилатларини имкон қадар инобатга олган ҳолда иш тутамиз. Ўтказилаётган ислохотларда миллий ва маҳаллий шарт-шароитни назарда тутиш, акс эттириш биз учун уларни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Ўтмишдан сақланиб келаётган юксак инсоний фазилатлар кишилар одоб ахлоқида ҳам ёрқин намоён бўлади. Бой одоб ахлоқ меросини миллий қадрият сифатида эъзозлаб ундан янги жамият кишиларни тарбиялашда унумли фойдаланишни тақазо этади.

Имом Ал Бухорий ҳадисларида кўрсатилганидек, “инсонларга берилган фазилатларининг энг яхшиси ахлоқдир”. Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу-билик асари одоб-ахлоқ, илм маърифат, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондўстлик қоидаси, инсон маънавий оламининг кўп жиҳатлари ижтимоий тартибга солувчи восита сифатида баён этилган”¹¹.

Ҳуқуқий онг билан одоб ахлоқ бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шу боис ҳуқуқий онг жамият онгини турли шаклларида ҳам ифодаланиши мумкин.

¹⁰ Бобоев Ф., Ғофуров З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил. Буюк сиймолар, алломалар. Т.: Маънавият, 1995. –Б. 48.

¹¹ Шодиев Ғ. Маънавият ва ёшлар. Т., Абу матбуот консалт. 2008. –Б. 45.

Гарчи, жамиятда ҳукуқий маданият муҳим ўрин тутсада жамият аъзоси ҳуқуқ билан тартибга солинмаган қадриятларни, яъни маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари лозим. Янги жамиятни қуришда юксак одоб-ахлоқли кишиларни тарбиялаш муҳим масаладир. Чунки, одоб сабоқлари - ҳаёт сабоқлари деб бежизга айтилмаганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Жамиятни эркинлаштириш ўз навбатида ҳар бир киши ўзини тўла эркин тутишни ҳам тақозо этади. Эркинлик қонун устиворлигини таъминлашнинг ҳам муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бобомиз Амир Темирнинг “қаерда қонун ҳуқумронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади” деган ўғитлари ҳозирги пайтда ҳам ўзига хос маъно касб этмоқда.

Янги жамиятни қуришда унинг аъзолари ҳуқуқий ҳуқ атворга эга бўлиши ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, улар ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам ёрдам беради. Янги жамият кишиларининг одоб-ахлоқи энг аввало, жамиятда кишининг ҳуққи, юриш-туриши ва ҳаёт фаолиятининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Жамиятда кишиларнинг ҳуққи турли шаклларда бўлиб ҳуқуқий ҳуқ-атвор, одоб-ахлоқ жиҳатдан баҳолалиши мумкин.

Жамият аъзоси ўзининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдан бевосита манфаатдор бўлиши ва ҳар доим уларнинг ижтимоий ҳавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, ҳуққ атвори жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлаш, ўз навбатида қонунларнинг ижросини амалга оширишнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади. Агар жамият аъзоси ҳатти-ҳаракатига, ҳуққ атворига, одоб ахлоқига ижтимоий баҳо берилмаса ҳуқуқни қўлловчи идоралар томонидан қонуний муносабат билдирилмаса, бу ҳолат жамият учун ёт иллатларнинг илдиз отишига ёки тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Шахс ҳуққ атворига жамоатчилик таъсири катта бўлиб уларнинг, камолотга эришувида ҳамда уларда инсоний фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли янги жамият фуқаросини тарбиялашда жамоатчилик назорати институтидан ҳам самарали фойдаланиш фуқоролик

жамиятини асосларини шакллантиришга ёрдам беради. Жамоатчилик назоратининг одоб ахлоққа таъсири негизида қонунийлик, адолат, ҳақиқат, эркинлик каби тушунчалар моҳияти теран ҳис қилинмоғи лозим.

Шу сабабли янги жамият фуқаролари Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш ва уни нормаларига риоя этиши улар ҳуқ атворининг юксаклигидан далолат беради. Шунингдек улар ижтимоий фойдали, жамият ва давлат томонидан ижобий баҳоланадиган ҳуқ атворга эга бўлиши лозим.

Ҳар бир фуқаро инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, давлат суверенитети ғояларига содиқ бўлиши лозим. Ижтимоий ҳаётда ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги ўзининг фуқаролик ва инсоний масъулиятини англаши зарур. Ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибаси асосида миллий ҳуқуқий қадриятларни эъзозлаши ва уни ҳар томонлама тарғиб этиши керак. Демократия қадриятларини ҳурмат қилиши ва ижтимоий адолатга садоқатли бўлиши, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши, юрт тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш масъулиятини чуқур ҳис этиши лозим. Бундан ташқари, эркин фикр юритиш асосида ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиши даркор. Юртбошимиз такидлаганидек, “Олдимизда ниҳоятда муҳим, келажакимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, айнаи замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир”.

Юқоридагиларга асосан баён этиш лозимки, янги жамият фуқароларининг одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий маданият қоидаларини ҳар бир шахс қалби ва онгига сингдириш миллий ўзини англашда муҳим аҳамият касб этиши баробарида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ва ҳар бир фуқаронинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга энг муҳими, ҳуқуқий фаол жамият аъзосини тарбиялашга хизмат қилади.

II боб. Баркамол авлод тарбиясини юксалтириш омиллари.

2.1. Таълим ва маънавий омиллар муносабати;

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш ўқувчилар томонидан мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштирилишини кафолатловчи ёндошув ҳисобланади” деб ёзилади ўқув қўлланмасида¹². Аслида ўз олдида қўйган мақсадига кўра таълимнинг таълимдан фарқи бор. Масалан, биров енгил машина сотиб олган ва уни қандай ҳайдашни ўрганмоқчи. Бу одам автомобиль ҳайдашни ўргатувчи 3 ойлик ёки 6 ойлик курсларга бориб ёзилади ва у ерда енгил машинани қандай бошқариш, йўл қоидаларига риоя қилишни ўрганади. Бунда шу билимларни ўргатувчи мутахассиснинг ахлоқ-одоби, ўзини тутиши, у чекувчими, оз-моз ичкиликка ҳам ишқибозлиги борми-йўқми – бу нарсалар шогирд учун муҳим эмас, муаллим ўз касбини яхши билса, бўлди.

Умуман олганда, олий ўқув юртига муайян мутахассисликни эгаллаш мақсадида кирган талаба учун ҳам асосий ихтисослик фанлари бўйича дарс берувчи ўқитувчиларнинг ўз фанини қанчалик яхши билишлари биринчи ўринда туради. Уларнинг маънавий-ахлоқий хислатлари бу даражада муҳим эмас. Чунки мақсад касб эгаллаш, ихтисосликка оид зарурий билимларни ўзлаштириш. Демак, шогирдга керакли касбий билим бериш учун муаллимда муайян мутахассислик бўйича пухта билим ва ўқитиш методикаси бўлса етарли.

Гап фақат мутахассисликда эмас. Болани ҳаётга ўргатиш масаласи ҳам бор. Қиз бола уй ишларини, таом тайёрлашни, ёш болага қарашни, бичиштикишни ўрганиши керак. Йигит кишига 72 ҳунар оз деганларидек, ўғил болалар учун ҳам турли ҳаётий билимлар зарур. Шунинг учун ота-оналар болаларини турли соғломлаштириш гуруҳларига, сувда сузиш, кураш тушиш, чанғи учишга ўргатувчи машғулотларга жалб қиладилар. Булар барчаси ҳаётда бир кун керак бўлади. Албатта, уларнинг ҳаммасида муайян

¹² Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.Т., “Фан”, 2006. –Б. 236.

даражада тарбиявий жиҳат ҳам йўқ эмас. Аммо комил инсон тарбияси фақат шулардан иборат десак, хато бўлади.

Бугунги мустақил Ўзбекистонда миллий ғоямизнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири **маънавий баркамол инсон тарбияси** масаласи бўлиб, зеро бусиз на юрт тинчлигини, на Ватан равнақини, на халқ фаровонлигини таъминлаб бўлади. Ўзбекистон Президентининг мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратиб келаётгани бежиз эмас. Демак, масаланинг моҳияти қандай қилиб ўсиб келаётган ёш авлодни **маънавий баркамол инсон** бўлиб етишувини таъминлашда. Чунки Ўзбекистоннинг келажаги шуларнинг қўлидадир, улар ким бўлиб етишса, Ватан тақдири ҳам шунга яраша бўлади. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бу йўналишда борган сари ютуқларимиз кўзга кўриниб бормоқда. Шу билан бирга бу йўналишда назарий жиҳатдан мутлақо янгидан кўриб чиқишни давр талаб қилаётган ўта ҳассос масалалар ҳам бор.

Юқорида тилга олинган китоб муаллифлари тўғри қайд этганларидек, “**тарбия жараёни** узок муддатли, мураккаб, узлуксиз бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эга”¹³. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида аниқ илмий асосланган технологияларни қўллаш кутилган самарани 100 фоиз таъминлаши мумкин бўлса, ижтимоий соҳада, айниқса, таълим-тарбия йўналишида бундай натижаларни кутиш қийин, чунки **инсон ва жамият ҳаётига таъсир қилувчи омиллар** ҳадсиз-худудсиздир. Бу дегани, албатта, ушбу соҳалардаги фаолиятни умуман лойиҳалаштириб бўлмайди, дегани эмас. Фақат биз ҳар бир соҳанинг ўзига хос жиҳатларини тўғри тасаввур қилмоғимиз ва унинг асл моҳиятига мувофиқ ёндошмоғимиз лозим бўлади.

¹³ Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.Т., “Фан”, 2006, -Б. 236.

2.2. Ёшларни маънавий ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин ўтган йиллар давомида демократик, барқарор тараққиётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, ўзбек халқининг миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятларини тиклаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида кўдан-кўп ютуқларга эришилди. Зеро, муҳтарам Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, - “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф – одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.

Мустақиллик йилларида миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам қадриятларимиз ўзининг объектив, ижтимоий - аънавий ҳодиса, жараён сифатидаги тадрижоти (эволюцияси), тубдан ўзгариб, такомиллашиб бориши билан бир қаторда уларни илмий – социологик, фалсафий, маданиятшунослик, аксиологик, яъни илмий – назарий ўрганиш, тадқиқ этиш жараёнлари ҳам жиддий тадрижотга учради. Ана шу жараёнларни аксиологик, маданиятшунослик жиҳатидан ўрганиш, умумлаштиришнинг ҳам назарий – методологик, ҳам амалий – ташкилий жиҳатларига кўра қатор долзарб муаммолари мавжуд¹⁴.

Зеро, мустақил Ўзбекистонда маънавият, маърифат, анъана, қадрият, урф-одат, маросим, байрамларга биринчи даражали давлат сиёсати даражасидаги ижобий муносабат қарор топмоқда.

Ҳолбуки, Ғарбий Европа фалсафасида аксиология аллақачонлар мустақил фан сифатида шаклланган бўлиб, қадриятларни тадқиқ этишда турли мактаб ва йўналишлар фаолият олиб бормоқда. Ғарбий Европанинг илғор социологлари, маданиятшунослари, гарчи улар ҳам анъана, урф-одат, маросим, қадриятларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини жуда яхши билсаларда, ҳисобга олсаларда, аввал бошидан, яъни XVIII-XIX асрларданок А.Шопэнгауэр,

¹⁴ www.lex.uz.

Ф.Ницше, О.Шпенглер, Э.Дюркгейм, Э.Дильтей, М.Вебер ва бошқа мутафаккирлар, анъана, урф-одат, маросим, кадриятларга ижобий, объектив холис ёндашиш позициясидан туриб тадқиқ этганлар.

Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов бир томондан халқимизнинг ўз анъана, маросим, урф-одат, байрам, кадриятларини асраб - авайлаб, эъзозлаб сақлаш, уларга кадрлаш анъанасидан келиб чиққан ҳолда, бошқа томондан эса Ғарбий Европанинг илғор фалсафаси, социологияси, аксиологияси, маданиятшунослигининг анъана, урф-одат, маросим, уларга ижобий муносабатни ўзида жо қилган замонавий илмий тадқиқот усуллари, принципларини татбиқ этиш, улардан ижодий ва танқидий фойдаланишга оид ҳам амалий, ҳам назарий методологик хулоса ва ечимларни бермоқдалар. Ижтимоий фан соҳаси вакиллари, айниқса, файласуфлар олдида “Ўзбек миллий фалсафаси” ни яратишдек юксак вазифани қўймоқдалар. Натижада, Ўзбекистондаги ижтимоий фанлар, шу жумладан социология, фалсафа, маданиятшунослик, аксиология фанлари соҳаларида мазкур муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва баҳолаш жараёнлари эволюцияси тубдан, сифат жиҳатдан янгиланиш, ўзгариш, такомиллашиш томон кескин ўзгармоқда. Бу эса мустақил Ўзбекистон демократик, барқарор тараққиётининг муҳим жабҳаси бўлган маънавият, маърифат, миллий анъана, урф-одат, маросим байрамлар, кадриятларга нисбатан олиб борилаётган ижтимоий - маданий сиёсатнинг илғор ютуғи сифатида эътироф этишга лойиқдир.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида таълим ва тарбия Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимизнинг бевосита ташаббуслари ва раҳнамоликларида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг мантикий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан замон талабларига мослаштириш,

таълим сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришга йўналтирилди.

Президентимиз яна бир бор таълим тизими олдида турган устивор вазифаларни аниқ белгилаб бердиларким, уларни тўлақонли қилиб бажариш биздан янада кўпроқ масъулият, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади. Зеро, бу ишлар пировард натижада Юрт келажаги - фарзандларимизнинг камоли ва Ватаннинг эртанги тараққиёти учун хизмат қилади.

2008-2009 ўқув йили халқ таълими тизимида “Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили”, 2009-2010 ўқув йили эса – “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили” деб эълон қилинди.

Мазкур ўқув йилларида ҳар бир таълим муассасасида соғлом ижтимоий-психологик, ижодий ва маънавий муҳитнинг барқарор бўлишига эришиш, таълим ва тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳолатларга барҳам беришга жиддий киришилди.

Республикадаги барча ҳудудларда 20 та фан йўналишида ўз фанини чуқур билган, юқори касб маҳоратига эга бўлган 4000 нафар “Устоз-ўқитувчи” аниқланиб, уларнинг ҳар бирига 3 нафардан, жами 12000 нафар “Шогирд-ўқитувчи”лар бириктирилди. Улар тўғрисида ягона маълумотлар базаси шакллантирилиб, Халқ таълими тизимида “Устоз-шогирд” мактаби амалиётини жорий этилди.

“Устоз-шогирд” мактаби моделининг моҳияти шундаки, устоз-ўқитувчи ўзига бириктирилган 3 нафар шогирдлари ишлайдиган мактабларда ҳар ойда 2 марта “Намунали дарс” ўтиб беради, уларнинг дарсларини кузатиб таҳлил қилади, фикр-мулоҳазаларини билдиради, ҳар ойнинг сўнгида эса шогирдларининг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилиб, йўл - йўриқ кўрсатиб боради. Шогирд-ўқитувчи ҳам ойига 2 марта устозининг мактабига келиб, унинг дарсларини кузатиб, тажриба ўрганади.

Шу тарика, ўқитувчилар, айниқса ёш ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва педагогик маҳоратини ошириб бориш билан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

Амалга оширилаётган мазкур тадбирлар таълим тизимида ворисийлик педагогикасининг ўзига хос моҳиятини ифодалаб, анъана ва манавий меъросимиз “Устоз-шогирд” мактабини ривожлантириш учун лозим бўлган моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратилаётганлигини кўрсатади.

“Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак” – дейилади “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида.

Демак ҳар бир ўқувчининг бетакрор эканлигининг, унинг тарбияси руҳий ҳолати ва кайфиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлишини унутмаслик лозим. Таълим муассасисидаги ҳар бир педагог ўқувчининг қалбидан чуқур жой олиб, ҳурмат эҳтиромига сазовор бўлиб, унинг энг яқин кишиларидан бирига айланса, қувончи ва ташвишига шерик бўлишни билса, муаммоли вазиятларда тўғри йўл кўрсатиб, елкадош бўлса, тарбиядан кўзланган мақсадларимизга эришиш осон бўлади.

Аксинча эса ўқувчининг мактабга, дарсга, умуман олганда таълимга бўлган иштиёқи пасаяди, маънавий – маърифий ишлар таъсирчанлигини йўқотади.

Шунингдек, ибрат тарбияси – миллий педагогиканинг ноёб дурдонаси бўлиб, ўқувчиларнинг маънавий камолотида ҳар бир педагог шахсий ибрат ва намуна кўрсатиши лозим. Агар ўқитувчи ташқи кўринишдан тортиб хулқ-атвориғача ўқувчига ибрат бўла олса, ўқувчига ташқаридан маънавий идеал кидиришнинг ҳожати қолмайди¹⁵.

Ахборот-коммуникация технологиялари асрида яшар эканмиз, ўқувчиларда ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини шакллантириш биз педагоглар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

¹⁵ www.ziyo.uz.

Ўқувчиларга ҳар қандай салбий мазмундаги ахборотни қиёслаши, тўғрини нотўғридан, оқни қорадан ажратиши учун муқобил ахборотни ўз вақтида беришимиз лозим. Бу учун эса ўзимиз барча оммавий ахборот воситаларидаги маълумотлардан хабардор бўлишимиз, тинмай ўз устимизда ишламиз, тажриба алмашишни кенг йўлга қўйишимиз лозим.

Шу ўринда ўсиб келаётган авлодни жаҳон тараққиёти ютуқлари ва инсонпарварлик ғоялари билан озиқлантириш таълим тизими ходимлари, айниқса умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларининг зиммасига катта маъсулият юклайди.

А.Дистерберг “Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни беради, яхшиси-уни топишни ўргатади”, деб таъкидлаган эди.

Хулоса

Ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги ўқувчиларнинг аксарияти (масалан, юқори синф ўқувчиларининг 70-75%) ўқишга қизиқмай қўйди. Бунинг асл сабабларидан бири дарс мобайнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида дўстона, самимий мулоқотнинг, ҳамкорликнинг йўқлигидир. Айниқса, “Устоз-шогирд” анъаналарининг муттасил равишда ривожлантирилма-ганлигидир. Бундай ҳолат мактабларимизда халқ тарбияшунослари ва педагогик руҳшунослар ҳурматини тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳланмоқда. Айрим фан ўқитувчилари ўзларининг заиф томонларини ёпиш, кўрсатмасликка ҳаракат қилиш мақсадида ўқувчиларга ортиқча талаблар қўядики, бу ҳолатни ўқувчи тез англаб олади.

Бу ҳолатнинг келиб чиқишига ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти етарли бўлмаганлиги, дарс жараёнида улар томонидан илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини ниҳоятда паст даражада қўлланилаётганлиги, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашга етарли даражада эътибор бермаслиги каби омиллар сабаб бўлади.

Бугунги кун замонавий педагогика фанининг долзарб муаммоларидан бири таълимнинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш орқали ўқувчиларда

ижтимоий ҳамкорлик, инсонпарварлик, ватанга ва халқига садоқат, маънавий анъаналарга содиқлик руҳида тарбиялашдан иборат.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки ўқитувчиларимиз учун ўқувчиларида қуйидаги кўникмаларни шакллантириш муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади:

- изланувчанлик ва ижодкорлик;
- янгилик ва дунёвий билимларни олишга очиқлик ва ҳаракатчанлик;
- мустақил фаолий компитентлилиги;
- билимдонлик;
- эркин фикрлаш ва бошқалар.

Эркин тафаккур шахс фаолиятини оширганидек, уни бунёдкорлик ишларига ҳам илҳомлантиради. Бундай қобилиятларни ўқувчиларда шакллантиришнинг турли хил восита ва йўллари мунтазам равишда излаш ўқитувчи фаолиятига ҳам янгича маъно ва мазмун бахш этади ҳамда унинг ҳаётий позициясини ривожлантиради.

Таълим тизимида ворисийлик педагогиканинг ўзига хос моҳиятини ифодалаб, анъана ва маънавий меросни, устоз-шогирд анъаналарини сақлаш, давом эттириш учун лозим бўлган моддий, маънавий шарт-шароитлар яратиш заруриятини билдиради. Ўқитишдаги ворисийлик малум анъаналарни сақлаш, ривожлантириш, такомиллаштириш каби мақсадларнинг муҳим шарти сифатида эътироф этилади. Бунда инсонпарварлик, миллий қадриятлар, анъаналарга содиқлик, тартибот, барқарорлик каби тушунчалар ворисийликни кафолатлайди. Шахс камолотини маънавий етук шакллантиришда педагогик маҳоратнинг ўзига хос ўрнини ворисийлик таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 1-том
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент: Ўзбекистон, 1996 й. 2-том.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент: Ўзбекистон, 1996 й., 3-том.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент: Ўзбекистон, 1996,4-том.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатилари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш –давр талаби. Тошкент: Ўзбекистон, 1996,5-том.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 6-том
9. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент: Ўзбекистон. 1994.
11. Каримов И.А. Жамиятмиз мафкураси халқни-халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент: Ўзбекистон. 1998.
12. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: Ўзбекистон. “Шарқ” 1999.
13. Левитин Л, Дональд С. Карлайл. Ислон Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
14. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент : 1997.

15. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: “Шарқ” 1999
16. Февраль воқалари. 1999 йил 16 февраль , Тошкент Ўзбекистон, 1999
17. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1992
18. Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н . Ватан туйғуси. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
19. Туленов К, Ғофуров Э. Фалсафа. Ўқитувчи, 1997
20. Туленов К.. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент : 1998
21. Туленов К. Ҳаёт фалсафаси. Тошкент: 1993.
22. Убайдуллаев М.М Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Тошкент: Фан, 1994.
23. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғраб . Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
24. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Тошкент: Шарқ, 1998.
25. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. Тошкент: Ўзбекистон. 1997.